Кузатиш ва таҳлилларимиздан шу нарса маълум бўлдики, умумий ўрта таълим мактабларидаги анъанавий тизимдаги ижодкорликга йўналтириш ишлари жараёнида дарсдан ташқари машғулотлар замонавий таълим, методлари, янги педагогик ва ахборот технологиялари талаблари асосида ташкил этилмаган. Машғулотларни ўтказиш учун методик қўлланмалар етишмайди ва мавжудлари ҳам ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди.

Ижодкорликга йўналтириш ишларини республикамиз таълимислоҳотлари талаби даражасида йўлга куйиш, республикамиз ва ривожланган

хорижий давлатларда бу борада тўпланган илғор тажрибаларни тадқиқ қилиб, ижодий татбиқ қилиш давр тақозоси ҳисобланади.

Бу ишларни олиб бориш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар билан тест, сўровнома, суҳбат, кузатиш каби методлар орқали тадқиқот ишимизнинг дастлабки тасдиқловчи босқичини олиб бордик.

Умумий ўрта таълим мактабларида ижодкорлик-ҳунарга йўналтиришга асосланган дарсдан ташқари машғулотларни ташкил қилишда ўқувчиларнинг ёш, руқий, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни меҳнат таълими ва ижодкорликга йўналтиришда ўсимликларни парвариш қилиш, ҳунармандчилик жиҳозлари билан таништириш ва ишлов беришда меҳнат кўникма ва малакалари шакллантирилиб борилди. Шу билан бирга, уларнинг қизиқиши ва мойилликларига кўра ўзини ўзи ижодкорликий жиҳатдан аниқлаш, ижодкорлик-ҳунар турларини танлаши, ҳунармандчилик соҳалари ва уларда ишлатиладиган асбоб-ускуна, янги техника, илғор технологияларни ўрганиб боришлари ҳамда меҳнат фаолиятида иштирок этишлари таъминланди.

Тадқиқот ишининг шакллантирувчи босқичида дарсдан ташқари машғулотларда ижодкорлик-ҳунарга йўналтириш ишларининг ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашув, суҳбат, баҳс, саёҳат, кўрик, мусобақа, меҳнат амалиёти, ўқувчилар меҳнат уюшмаси каби шаклларининг мазмуни ва тузилмаси қайта кўриб чиқилди ҳамда замон руҳига мослаштирилди.

Дарсдан ташқари машғулотлар шаклларини самарали равишда амалга ошириш, умумий ўрта таълим мактаблари, оила, маҳалла-жамоатчилик, ишлаб чиқариш корхоналари, халқ ҳунармандлари, усталарининг иш тажрибалари ўқув жараёнида фойдали меҳнат маҳсулотларини тайёрлаб, таълим муассасаларининг бозор иқтисодиётини амалга оширишда қатнашиши ва моддий жиҳатдан кафолатланишига ёрдам берувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Дарсдан ташқари машғулотлар шаклларини ташкил этиш, жумладан, тўгараклар, кўрик, мусобақа, мунозарали баҳс, учрашув, ҳар хил турдаги

ўйин, кўргазмали чиқиш, саёҳат ва шу кабилардан фойдаланиш таълимни самарали амалга оширишнинг муҳим шаклларидан ҳисобланади. Дарсдан ташқари машғулотлар ўқувчиларнинг фанлардан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини мустаққамлайди, дунёқарашини шакллантиради ва бу таъсуротлар уларнинг ижодий қобилиятларини ўстиради ҳамда бадиий-эстетик дидини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўз вақтида режали, тартибли ўтказилган машғулотлар ўқувчиларнинг ҳар бир тадбирларга бўлган қизиқиш ва қавасларини янада оширади, маънавий, мафкуравий тасаввурларини бойитади.

## 1.2. 3-4 СИНФ МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ БЎЙИЧА ТЎГАРАКЛАРНИНГ асосий йўналишлари ва шакллари.

Умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари муассасаларнинг болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари дарсдан ташқари ишларда ўқувчиларнинг техник ижодкорлиги ривожлантириш фаолияти ўзининг шакли, мазмунига кўра хилма-хилдир. Шундай бўлса ҳам кейинги ўн йиллар ичида ана шу фаолиятнинг қуйидаги асосий йўналишлари аниқланди:

3-4 синфларда ўқувчилар техник ижодкорлик билан боғлиқ меҳнатга қизиқиш ва жамоа меҳнатига иштиёқ уйғотиш, ана шу ёшлар гуруҳидаги ўқувчиларни ясама техник ўйинчоқлар, моделлар ва турли жиқозларни конструкциялаш билан боғлиқ фаол техник ўйинлар, мусобоқалар ва конкурсларга қатнаштириш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига ва тажрибачилик ишининг энг оддий шаклларига жалб этиш, болаларда техника, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳаларидаги техник ҳаваскорлик, ижодкорлик ва тажрибачиликка интилишни тарбиялаш.

Ўқувчиларни мактаблар ва мактабдан ташқари муассасалардаги техник ижодкорлик жараёнида оммавий ишчи ижодкорликларига йўналтириш.

Ўқувчиларнинг у ёки бу турдаги амалий фаолиятга қизиқишларини аниқлаш ва ривожлантиришнинг дастлабки поғонасида ўқитувчи индивидуал иш олиб боради, суҳбатлашади, адабиётларни тавсия этади, ўқувчини тўлқинлантирган ишни муҳокама қилади, қизиқарли фан ва техника кечаларини, фан ва техника тарихидаги атоқли кунларга бағишланган кечаларни тайёрлаш ва ҳоказолар бўйича индивидуал топшириқлар беради. Шундан кейин, ўқитувчи ана шу ўқувчиларни тўгаракка бирлаштиради. Бунда улар жамоа топшириқларини ҳам бажара оладилар.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар тўгаракларида Раҳбар билан ўқувчиларнинг дидактик ўзаро ҳамкорлиги [11] ўйин фаолияти шаклида ташкил қилинади. Конструкторлик тўгаракларида ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар билан ишлашда бу ҳамкорлик вужудга келган амалий вази-фаларни (масалан, техника тўгаракларида техник вазифаларни бажаришда, қандайдир техник қурилмани, модель, макет, тажриба намунасини ишлаб чиқиш ва тайёрлашда) босқичма-босқич ҳал қилиш жараёнида ташкил этилади.

Ҳозирги кунда мактаблар ва мактабдан ташқари муассасалар фаолиятида ўқувчилар техник ижодкорлиги тўгаракларининг қуйидаги турлари вужудга келган:

1. Тайёрлов техника тўгараклари (кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун). Уларда ўқувчилар жонли ва осон шаклда техника элементлари ҳамда энг оддий технологик жараёнлар билан танишадилар, қоғоз, пластмасса, металл ва бошқа материалларга ишлов бериш бўйича олган бошланғич кўникмаларини ривожлантирадилар. Ўқувчилар техник ўйинчоқлар, машина ва механизмларнинг содда моделларини, энг оддий автоматик қурилмалар, ўқув кўргазмали қўлланмалар, мактаб ҳамда уй-рўзғор буюмлари ва ҳоказоларни тайёрлайдилар.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун тайёрлов техника тўгараклари орасида кўпинча бошланғич техник моделлаштириш тўгараклари, электрлаштирилган ўйинчоқлар тўгараклари, транспорт техникасини бошланғич моделлаштириш тўгараклари ташкил қилинмоқда.

2. Предмет (фан-техника) тўгараклари: физика, физика-техника, химия, химия-технология, агрохимия, астрономия ва бошқа тўгараклар. Бундай тўгараклар ўқувчиларнинг мактаб ўқув режасидаги турли предметлар бўйича олган билимларини чуқурлаштириш ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш, таълим хоналарини тўлдириш учун асбоб-ускуналар ясаш ва шу асосда ўқувчиларнинг техник ижодкорлигини ривожлантириш мақсадларида ташкил қилинади.

3. Спорт-техника тўгараклари мактабларда, кўпроқ мактабдан ташқари муассасаларда фаолият кўрсатади. Булар авиамодель, ракета-космик моделлаштириш, автомобиль моделчилиги, кема моделчилиги, темир йўл моделчилиги, радио бошқариш, сув-мотор ва бошқа тўгараклар.

Мазкур тўгаракларда ўқувчилар моделларни ва ишлайдиган техникани конструкциялаш ва тайёрлаш билан шуғулланадилар, кейин эса ана шу моделлар билан спортнинг техник турлари бўйича моделчи-спортчиларнинг мусобоқаларида қатнашадилар.

Ўқувчилар спорт-техника тўгаракларида тегишли техника тармоғининг тарихи, унинг халқ хўжалигида ва мамлакатимиз мудофаасида қўлланишгаи билан, Ватанимиздаги ҳаво йўллари транспортлари самолётлар, автомобиллар, сув йўллари транспорти, радио аппаратлари ва бошқа техникалар бўйича буюк конструкторлар техник тафаккурининг хусусиятлари билан танишадилар.

Юқоридаги тўгараклардан ташқари металлчилар, дурадгор конструкторлар, технолог ихтирочилар, шунингдек, электротехника, радиотехника, электрон автоматика, техника, кибернетика, работехника, кичик ўлчамли қишлоқ хўжалик техникасини конструкциялаш, техникани жиҳозлаш ва ўлчов техникаси клублари кенг тарқалган.

Ўқувчиларнинг ана шу тўгаракдардаги фаолияти, энг аввало, техникани ўрганиш билан, ўрганилган машиналарда ишлашни осонлаштирадиган турли иш мосламаларини яратиш, машиналардаги ҳар хил тизимларнинг ишлаш принципи ва тузилишини тушунишга ёрдам берадиган кўрсатмали қўлланмаларни тайёрлаш билан боғлиқдир.

Мактаб техника тўгаракдари тармоғининг ривожланиши ва шу тўгаракларнинг юксак савияда ишлаши кўпинча мактабларда техника ёки спорт техника, ўқувчилар илмий жамиятларининг клублари ташкил топишига олиб келади, ўқувчиларнинг меҳнат бирлашмалари ишларнинг механизациялашуви даражасини оширади.

Янги техник ечимларни излаш методларини ўзлаштиришга жуда қизиқадиган ўқувчилар кўпинча маҳаллий техник ижодкорлик марказ-ларидаги машғулотларга қатнашадилар, мактабда ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг мактаб ташкилоти, мактаб конструкторлик уюшмалари каби уюшмаларининг фаолияти ривож топади. Бу бирлашмалар педагоглар ва муҳандис техниклар жамоатчилигининг амалий ёрдами билан ўқувчиларнинг ижодий фаоллиги, ташаббускорлиги ва қаваскорлигини ривожлантириш учун яхши ҳамда юксак ижодкорликий савиядаги шароитни ярата олади. Уларнинг ишлаб чиқариш, илмий муассасалар ва ташкилотлар, ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг маҳалла билан мустаққам алоқасини таъминлайди.

Бундай ишларни ташкил қилиш ва ўтказишда маҳаллий уюшмаларда ҳамда ёш техниклар марказларида шуғулланаётган тўгарак қатнашчилари ўқитувчига катта ёрдам беришлари мумкин. Олимлар ва ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар, ўқувчиларнинг илмий-техник конференциялари, техник ижодкорлик кўргазмалари, олимпиада ва конкурслар, саёхатлар, илмий-оммабоп маърузалар, ёш ихтирочиларнинг анжуманлари, ҳар йилги фан, техника ва ишлаб чиқариш ҳафталиклари мамлакатимиздаги мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларда

анъанавий тус олган, ўқувчиларни техник ижодкорликка кўпроқ жалб этадиган оммавий тадбирларнинг шаклларидир.

Маълумки, дарс ўқувчиларга тарбия ва таълим беришнинг асосий шаклидир. Дарс қанчалик жозибали, унинг шакли ва мазмуни қанчалик ёрқин бўлса, ўқувчилар предметга шунчалик қизиқадилар, уларда кўпроқ саволлар туғилади. Предмет бўйича дарс мазмунли ўтилса, синфдан ташқари машғулотларни ҳам сифатли ўтиш самарадорлигини оширади.

Тажрибали меҳнат таълими ўқитувчиларининг фикрича, ўқувчининг қизиқишлари йўналишида, унинг ўқишдан ташқари фаолияти мазмунида болалар ва ўсмирлар ижтимоий тарбиясининг натижалари яққол кўринади. Шунинг учун бу фаолиятни ташкил этиш имконияти қанчалик кенг бўлса, ўқувчидаги қизиқиш ва қобилиятни шунчалик барвақт аниқлаш, уларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш, ўқувчига ўз ишини, ўзининг келажакдаги ижодкорликини топишда ёрдам бериш мумкин.

Тўгаракдаги ишлар ўқувчиларга бирор ижодкорликдаги меҳнатнинг мазмунини, оммавий ишчи ижодкорликларининг энг қизиқарли жиҳатларини билиб олишларида ёрдам бериши зарур. Шунинг учун мактабдаги тўгаракларнинг фаолиятини белгилашда маҳаллий ишлаб чиқаришнинг йўналишини ҳисобга олиш керак.

Раҳбар тўгарак жамоасини уюштириш билан бирга тўгаракда ижодий ишлаб чиқиладиган ва тайёрланадиган объектларни белгилайди, тўгарак ишини моддий жиҳатдан таъминлаш имкониятларини, шунингдек, бўлажак техник қурилманинг мураккаб деталларини тайёрлашда ҳамда маслақатчиларни жалб қилишда амалий ёрдам кўрсатиш учун база, корхонанинг имкониятларидан фойдаланиш миқёсини аниқлайди.

Меҳнат таълими ўқитувчиси бошқарадиган тўгаракдаги ўқувчилар меҳнатининг объектларини белгилашда асосий диққат – эътибор мактаб устахоналарини айрим техник қурилмалар, технологик ускуналар, меҳнат бирлашмаларидаги меҳнатнинг кичик механизация воситалари билан таъминлашга, мактаб устахоналаридаги мавжуд ускуналарни таъмирлаш ва

такомиллаштиришда, ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштиришида ёрдам берадиган ҳар хил кўрсатмали қўлланмаларни, электрлаштирилган стендларни, билишга доир ўйинларни ишлаб чиқишга ҳаратилади.

Ўқувчиларнинг тўгаракдаги иш учун объектлар танлашдан олдин ўқувчиларнинг ўзларини тайёрлаш, уларда кишилар учун керакли буюмларни ишлаб чиқиш ҳамда ясашга қизиқиш ва иштиёқ уйғотиш керак.

Ишнинг муваффақияти ўқитувчи, тўгарак раҳбари тўгарак қатнашчилари орасида вазифаларнинг тақсимланишини қанчалик аниқ ташкил этгани, уларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларини, мактаб устахоналари шароитида тавсия қилинган ишни бажаришга амалий тайёрлик даражасини ҳисобга олгани билан ҳам белгиланади. Бошланғич синфларда дарсдан ташқари машғулотларда ижодкорликлар билан таништириш жараёнида асасан маҳаллий каблар билан таништириш кўзда тутилади .Давлат таълим стандартида ҳам бошланғич синфларда дарсдан ташқари машғулотларда ижодкорликлар билан таништириш мақсадга муофиқлиги кўзда тутилган. Жумладан 5-та ижодкорлик тури бўйича ижодкорликлар билин таништиришни кўзда тутилади булар инсон-табиат, инсон-техника, инсон-инсон, инсон-белгили тузилиши, инсон-бадиий образ шуни назарда тутиш керакки ижодкорликлар билин таништиришда унинг қийин томонларини айтмаслик мақсадга мувофиқ.  Дастурда кўрсатилган амалий ишларни ҳар доим ҳам мактаб тўгараклари фаолияти жараёнида бажариб бўлмайди. Бу жуда кўп сабабларга, жумладан, устахоналарнинг моддий техник базасига, ўқитувчининг амалий тайёргарлигига ҳам боғлиқдир. Ўқитувчи дастурда кўрсатилган вақтдан мавзулар бўйича ажратилган вақтлар нисбатини аниқлаш учун мўлжал сифатида фойдаланиши мумкин.

Дастурлар мактаб тўгараги машғулотларини ҳафтада бир марта тўгарак ишининг биринчи йили икки академик соатдан ва иккинчи йили уч академик соатдан ўтказишни мўлжаллаб тузилган.

Тўгарак раҳбарига иш ҳақи тўлаш билан боғлиқ масалалар қоидага мувофиқ мактаб маъмурияти ва база корхонанинг касаба уюшмаси

томонидан ҳал қилинади. Баъзан мактаблардаги техника тўгараклари ёш техниклар марказининг филиали сифатида ташкил этилади. Бундай ҳолларда тўгарак раҳбарининг иш ҳақи мактаб ва тегишли ёш техниклар маркази жамоаларининг ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаси асосида белгиланади.

Тўгарак фаолияти доимо тўгарак раҳбари тузган ва мактаб директори тасдиқлаган иш режаси бўйича амалга оширилади.

Тўгарак ишининг режаси тўгаракнинг намунавий дастури ёки тўгарак раҳбари ўқитувчининг ўзи тузган ва мактаб директори тасдиқлаган дастур асосида тузилиши мумкин.

Кўпинча тўгаракнинг иш режаси машғулотлар бошланишидан анча олдин, раҳбар ҳали тўгарак қатнашчилари рўйхатини аниқ билмайдиган пайтда тузилади ва тасдиқланади. Аслида эса тўгаракнинг йиллик иш режаси лойиҳасинигина олдиндан тайёрлаш, кейин тўгарак қатнашчи-ларини ана шу лойиқа билан таништириш, уни узил-кесил маъқуллашни эса навбатдаги машғулотларда, яъни ўқувчилар ўз фаолиятининг асосий йўналишларини ва ўзларини нималар кўпроқ қизиқтиришини билиб олганларидан сўнг амалга ошириш тўғрироқдир.

Ўқувчиларнинг фаол иштирокида тузилган режа энг тўғри бўлади, чунки бундай режа ҳар бир ўқувчининг ишига айланади.

Ўзбекистон Республикасининг истиқлолга эришуви ҳамда ўз мустақил сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий йўлга эга бўлиши, халқ хўжа-лигининг турли соҳаларида, жумладан, халқ таълими тизимида ҳам ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбияси билан боғлиқ жараёнларни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадордигини ошириш тўғрисида»ги фармонида кўрсатилганидек, жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат,

истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир.

Дарсдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш, аввало, комил инсонни шакллантиришнинг энг замонавий ва қулай йўналишларини топиб жорий этишга боғлиқ.

Инсон шахсининг камол топиши жуда мураккаб ва узлуксиз жараён давомида шаклланади. Унинг тарбиясига ота-онаси, мактаб, маҳалла, дўстлари, жамоат ташкилотлари, атроф муҳит, оммавий ахборот воситалари, санъат, адабиёт, табиат ва ҳакозолар бевосита таъсир кўрсатади.

Юқоридаги барча ҳаётий эҳтиёжларни вужудга келтиришда ўзаро ҳамкорликнинг таъсир доираси орқали шахсни ижодкорликий тарбиялаш ва тарбиянинг бирлигини таъминлаган ҳолда, уни шахс сифатида шакл-ланишга салбий таъсир кўрсатадиган муқитдан ҳимоя қилиш муҳимдир.

Ижодкорликий тарбиянинг бош мақсади ёш авлодни маънавий ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маънавий тарихий анъаналарга, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалга жорий этишдир.

Ҳозирги пайтда ахлоқий ва маънавий жиҳатдан ижодкорликий-тарбиявий ишларни ўсмирлар орасида кучайтириш талаб этилади. Мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари тарбиячилари (ўқитувчилар, синф Раҳбарлари, маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари, болалар етакчилари ва бошқалар) жамоаси олдида доимо ўқувчиларни ижодкорликга йўналтириш асосида ҳаётга тайёрлашдек муҳим вазифа туради.

Ўқувчиларда ижодкорликий тарбияни шакллантиришда китоб ва китобхонлик муҳим аҳамият ижодкорлик этади. Билим манбаи бўлган китобни севиш, уни ўқиш ва кўз қорачиғидек сақлай билиш лозим. Ўқиш учун уни танлай олиш ва ўқиш маданиятини билиш керак. Бу ишда устозу мураббийлар ва кутубхона ходимлари ёрдам беришлари лозим.

Ижодкорликий тарбияни амалга оширишда таълим муассасаларида умуминсоний қадриятлар доимо диққат марказида бўлиши ва уни амалга ошириш учун шахс эркинлиги ва ошкораликни ҳимоялаш  ҳар бир кишининг асосий вазифасидир. Кундалик тарбиявий ишларни шундай ташкил этиш зарурки, натижада ўқувчилар Республика мустақиллиги шароитида унинг муаммоларини ўзиникидек қабул қиладиган бўлсин. Уларнинг оғирлигини ўз елкасига оладиган, мумкин қадар Ватанга фойда келтирадиган шахс бўлиб улғайсин. Бугунги кунда олиб борилаётган, кўзда тутилган барча янгиланиш жараёнлари, иқтисодий-ижтимоий, маданий соҳалардаги туб ўзгаришлар ҳамманинг фидокорона хизмати туфайлигина юзага келишини тушунсин.

Иқтисодий тарбиянинг умумий мақсади жамият тараққиётини белгиловчи ижодкор шахсни ҳаётий фаолият воситасидан унумли фойдаланган ҳолда унинг иқтисодий саводхонлигини, иқтисодий мада-ниятлилик даражасини оширишдан иборат.

Шунга мувофиқ шахснинг камол топиши фаолияти воситасида аниқ иқтисодга боғлиқ назарий билимлар тизимини, шунингдек, иқтисодий билим, кўникма, малакалар йиғиндиси, ўрганувчининг иқтисодий онгига бевосита таъсир этишга имкон берувчи босқичларни амалга оширишдир. Мактаблар ва мактабдан ташқари таълим муассасалари болаларнинг энг оддий, шунингдек, анча асосли иқтисодий билимлар, ҳаёт меъёрлари ва қоидаларини билиб олишлари, тушунчаларни кенгайтиришлари ҳамда мустаққамлашлари учун уларга кенг шароит яратиб беришларини тақозо этади. Бунда узлуксиз иқтисодий таълим тарбияни босқичма-босқич амалга ошириш йўналишларини ишлаб чиқаришда мамлакатимиздаги барча давлат бошҳарув ташкилотлари қатнашиши кўзда тутилади.

Ҳозирги кун талабларига жавоб бериш баробарида узлуксиз таълимнинг ягона тизими, умумтаълим тайёргарлигининг узлуксиз таълимдаги аҳамияти, шахс баркамоллиги, мустақил ижодий фаолият кўрсата олишда узлуксиз таълим, турли фаолиятлардан восита сифатида

фойдаланиш, иқтисодий муносабатларга жалб этиш каби илмий ҳарашлар тизими шаклланади.

Иқтисодий таълим-тарбияни такомиллаштиришни вақт билан қатъий чегаралаш мумкин эмас. Унинг узлуксизлигини таъминловчи, иқтисодга йўналтирилган таълим-тарбия тадбирлари тизимидаги марказий сиймо - Жаҳон андозасига мос келувчи ижодкор шахсдир. Шахснинг камолотга интилиши ижодкорликни таъминлайди. Ижтимоий муҳит, эҳтиёж ижодкор шахсни яратувчи кучдир. Энг илғор фикрлар, мафкура, энг такомиллашган тафаккур фаолият воситасида моддийлашганда, сезиладиган нарса тусига айлангандагина иқтисодий тарбиянинг омилига айланади. Иқтисодий тарбия бўйича дарсдан ташқари ишлар ўқув жараёни билан таркибан ва мантиқан уйғунлашган ҳолда бўлиши керак. Тўгарак фаолияти, иқтисодий билим анжуманлари ва бақс-мунозаралари ўқувчиларнинг ёш ва ақлий хусусиятларига мувофиқ бўлиши, умумий тарбиявий жараёнга мос келиши зарур.

Бунда иқтисодий тарбиянинг ўқувчилар ижодкорликий шаклланишига таъсир кўрсатиш умумий мазмунининг ажралмас, узвий ҳисми эканлигини ёдда тутиш керак. Белгиланган мақсадга қаратилган тушунтириш ишларини оила, мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим, олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртларида, мактабдан ташқари таълим масканларида, маҳаллаларда, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтлари ва бошқа муассасаларда олиб бориш, турли тадбирлар ўтказиш ҳам муҳим ўрин тутади.

Йиллар давомида ва турли босқичларда олиб бориладиган ўқувчиларнинг эстетик тарбияси турлича тузилади. Машғулот шакли, мақсади, мазмуни, педагогик ўзига хослиги, шунингдек, иш режалари фан мантиқини ҳисобга олган ҳолда, болалар ёши ва имкониятига кўра фарқланиши лозим.

Ўқувчиларни серқирра, атрофлича таъсир этувчи эстетик қадриятларга йўналтириш фойдалидир. Биринчи навбатда миллий

қадриятлар, она замин табиати, миллий халқ санъати, шарқнинг, Ўзбекистоннинг бадиий маданияти, тарихига муҳаббат туйғуларини ривожлантириш керак. Бу борада асосий манба сифатида бадиий эстетик қадриятлар, қадимий санъат турларини танлаш зарур. Миллий анъаналарга бой адабиёт, тасвирий санъат, айниқса, Шарқ миниатюра санъати, қайкалторошлик, ҳунармандчилик, мусиқа ва санъатнинг бошқа турлари (театр, цирк ва қ.к.) халқнинг ўтмишдаги ва замонавий турмуш тарзи; яшаш жойи, кийиниши, меҳнат қуроллари ва ҳакозолар муҳим ўрин тутади, миллий санъат тарихига, этнографиясига, меъморчилигига ва анъанавий санъат турларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Ўқувчиларни тарбиялаш жараёнида халқ педагогикаси асосларига таяниш, шарқ мутафаккирларининг доно фикр-мулоқазаларидан, шунингдек, Жаҳон умуминсоний қадриятларидан фойдаланиш маъқул бўлади.

Бу аниқланган билимлар тизими, эстетик туйғулар, қизиқишларни сингдириш, ўрганиш, фикрлаш, мулоҳаза этиш, муносабат, қимматли йўналиш, ҳарашлар, баҳолар, ғоялар, фаолият (ижодий, эстетик), мукаммаллик, билимни ошириш ва ўз-ўзини ижодкорликий тарбиялашдан иборатдир.

Дарсдан ва мактабдан ташқари ишларда эстетик тарбия мазмунини, биринчи навбатда, мажмуий, тизимли татбиқ этишга кўра уч хил мақсад уйғунлиги (таълимий, тарбиявий, ривожланиб борувичи), психологик ва педагогик жараёнлар муштараклигига, таълим жараёнида жамият талабларини эътиборга олишга, янгича билимларга амал қилиш ва ҳакозо қоидалар асосида таркиб топмоғи керак. Улар асосида ўқувчи шахсиятига нисбатан йўналиш белгиланади.

Бу мақсадга эришиш учун ўқувчилар билан тўгарак, факультатив, машғулотларда санъатшунослик, санъатнинг айрим турларини, Жаҳон ва миллий маданиятни ўрганишнинг ҳар хил шаклларидан фойдаланиш мумкин.

Кузатувларимиз шуни кўрсатадики дарсдан ва мактабдан ташқари ишларда амалга оширилаётган ва яна қайта тикланаётган турли дастурларда

шахс шаклланишига, маънавий камолотига, мураккаб ҳаёт чорраҳаларида маънавий масъулият билан яшашга ўргатишни шакл-лантиришга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Республикамизда бозор иқтисодиёти шароити таркиб топаётган бир кезда ўқувчиларда турмушга ва меҳнатга янгича муносабатни, лаёқатни шакллантириш меҳнат тарбиясининг асосий мақсадларидан биридир. Бунда, албатта, ишлаб чиқаришнинг асосий шаклларини, айниқса, иқтисодий муносабатларнинг янги-янги омилларини, уларга таниш турларини белгилаб олиш даркор. Болаларда ҳунар ва ижодкорликка бўлган муҳаббатни уйғотиш жараёнида уларнинг ижобий ҳислатларини шакллантиришга ҳам эътибор қаратиш лозим. Ўқувчиларни қуйи синфдан ижодкорликка йўналтириб, 9-синфни тугатганларида академик лицей ёки ижодкорлик-ҳунар коллежларига йўлланма бериш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларни бозор шароитига ўргатишнинг ўзи уларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнат туфайли фойда олиш ҳақидаги амалий билимларини бойитади.

Болаларни жамоа бўлиб, ҳамкорликдаги меҳнат натижасида маҳсулот сони ва хизмат турларини ошириш мумкинлигига ишонтириш муҳим ҳисобланади. Болаларнинг қурилиш майдончалари, ёрдамчи йиғим-терим бригадалари сафларида ҳунармандчилик билан шуғулланишлари, уста-шогирд мактабларига қатнашиб халқ амалий санъатида, беморларга ёрдам кўрсатиш ва нафақахўрларга хизмат кўрсатиш бўлимларидаги, қовлиларни ва кўча-куйларни тартибга келтиришдаги, саноат корхоналарида, ҳисоблаш марказлари, шифохоналар ва мактабгача таълим муассасаларидаги ишлари алоҳида куллаб-қувватлаб борилади. Улар бу ишларнинг барчасидан маънавий фойда топиш малакасини ошириб борадилар зеро, бозор муносабатлари бугунги кунда Жаҳонда тан олинган моддий барқарорлик ва одамларнинг иқтисодий фаолиятини рағбатлан-тириб турадиган бирдан-бир воситадир. Бу муносабатларда юқори кўрсаткичларга эришиш учун қатъий интизомга, техник ва иқтисодий билимга, малакали мутахассисларга, ишни

тўғри ташкил қилишга асосланилади. Ўқувчи бозор қарама-қаршиликларини ва уларни бартараф этиш йўлларини ўрганиб боради.

Бугунги кунда мўқаммал иқтисодий тарбияни такомиллаш-тирмасдан иш қилиб бўлмайди. Шу боис ўқитувчи, синф раҳбари, мактабдан ташқари таълим муассасаси ходимлари нафақат билим беришлари, балки ўқувчиларда иқтисодий фаолият малакасини ҳосил этиш, бозор муносабатлари шароитида мустақил фикрлашга ўргатиш лозим бўлади. Болаларга савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги иқтисодий термин ва тушунчаларни ўргатиш, уларни қандай куллаш кўникмаларини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишга ижобий ёндашувнинг ривожи, топқирлик, ихтирочилик, ишбилармонлик, фаоллик ва ташаббус туфайлигина юқори самара берувчи фойда юзага келиши мумкинлиги тушунтирилса, ўқувчилар иқтисодий фаолиятда муваффақият қозонади.

Бозорнинг ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлари бу инсоннинг ахлоқ меъёрларининг ўзгинасидир. Булар-ҳалоллик, берилган сўзнинг ишончли ва қатъийлиги, батартиблик, ижрочилик, мажбурий меҳнатни ташкил қилиш, кредит ва ҳарзларни қоплаш, броккер (воситачи)лик ишларини олиб бориш, хушмуомалалик, шерикка, истеъмолчига бўлган ҳурмат ва ҳакозолар. Буларнинг барчаси ўқувчига сингдирилиши лозим.

Мактабда ривожланган назоратли бозор муносабатларини ташкил қилиш, бўлғуси тадбиркор ва ишбилармон кишиларни шакллантириш, уддабурон хўжалик юритувчи, иқтисодий фикр ва мушоқадаси ривожланган одамни тайёрлаш имконини беради. Меҳнат тарбиясида болаларни тизимли иқтисодий билимлар билан қуроллантириш, иқтисодий қонунлар ва қарама-қаршиликлардан оқилона фойдалана оладиган қилиб тарбиялаш жуда муҳимдир.

Бу ишларнинг ҳаммаси самарали ижодкорликга йўналтириш ишларини таъминлашга қаратилган бўлиб, ижодкорлик танлаган ўсмирга

ёрдам бериш ва унинг маҳоратини,  иқтидорини намоён этиш учун хизмат қилади.

Дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни ижодкорлик-ҳунарга йўналтиришда истеъдодли ва зукко болаларни аниқлаш ва тарбиялаш муҳим аҳамият ижодкорлик этади. Истеъдоднинг ўз вақтида намоён бўлиши тарбияга ва куллаб-қувватлашга боғлиқдир. ҳар қандай жамиятга истеъдодли шахслар зарур. Шу нуқтаи назардан истеъдодли болаларни аниқлаш, тарбиялаш ва ўқитиш республиканинг бўлажак ақл-заковатли ва ижодий фикрловчи кучларини тайёрлашнинг ягона манбаидир.

Ижодий қобилиятлар ривожини самарали амалга ошириш учун ўқувчилар истеъдодини аниқ таҳлил этиш, болаларнинг ўзига хос психологик жиҳатлари ва фазилатлари ҳисобга олиш даркор.

Турли ёшдаги истеъдодли ўқувчиларни намоён этишда ҳозирги кунда, аввало, мактаб педагогика жамоаси руҳий-диагностик тажрибалардан унумли фойдаланишлари зарур. Бунда «Республика Истеъдод Маркази» ходимлари билан ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамиятга эга. Истеъдод маркази ходимларининг фаолияти тажрибасидан фойдаланиш, уларнинг истеъдодни аниқлашга мўлжалланган психологик тадбирларини педагогик тажрибалар билан ишлаб чиқиш лозим. Бу соҳада «Улуғбек», «Олтин мерос», «Истеъдод» жамғармалари билан ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ёшлар истеъдодининг намоён бўлишига қобилиятларни аниқ таҳлил этиш, боланинг ўзига хос фазилатларини ҳисобга олиш ижодий қобилиятлар ривожини самарали амалга ошириши имконини яратади. Қобилиятларни ривожлантиришнинг даража ва босқичлари янгича муносабатлар билан боғлиқ бўлади.

Қобилиятнинг маълум бир даражаси исталган ўқувчида мавжуд бўлиши мумкин. Бу эса ташкил этилган тарбия ва ўқув жараёни шароитларида ривожлантирилади.

Тадқиқот ишини амалга ошириш жараёнида ўқувчи ёшлар қобилиятини ривожлантириш мақсадида истеъдодли ва иқтидорли тўгарак

аъзолари алоҳида рағбатлантирилди, уларга мукаммаллик учун шароит яратилди, уларнинг ижобий қизиқишлари, ранг-баранглигини ошириш, турли кўргазмали тадбирларда иштирок эттириш, олимпиадалар, танловлар, учрашувларга жалб этиш намунали амалга оширилди.

Болалар ижодий қобилиятларини ривожлантиришда оила ва муҳитнинг аҳамияти юксак. Айниқса, Республиканинг қишлоқ жойларида иқтидорли болаларни излаш, топиш ва уларнинг таълим-тарбиясини мунтазам равишда тўғри йўлга куйиш муҳимдир.

Истеъдодли болаларни республикамиз минтаҳаларининг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олиб, ижодий камол топтиришда диагностик услубиятлар, ўқув режалари ва ўқув-услубий, тарбия ва таълим дастурлари билан таъминлаш лозим. Шунингдек, иқтидорли болаларни излаш, топиш ва тарбиялаш учун замонавий моддий-техник ҳамда молиявий жиҳатдан тўлиқ таъминот зарур.

Истеъдодли болалар саломатлигини муҳофаза қилиш учун уларни руқий зарбалардан асраш йўлларини аниқлаш, руқан ёрдам кўрсатиш, қаттиқ қаяжонланиш ҳолатларини ўрганиш уларнинг ижодий қобилиятлари ривожи учун шароит яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш даркор.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун таркибига Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ходимлари, етакчи олимлар ва мутахассислар, ижодкорлар, амалиётчи ўқитувчилар, тўгарак раҳбарларидан иборат Республика методик кенгаши тузилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Кенгаш ижодкорлик-ҳунарга йўналтириш ишларини мувофиқлаштириб, йўналтириб, ташкил қилиб боради.

Истеъдодли ва иқтидорли болаларнинг ижодкорлик-ҳунарга йўналтириш ишини ташкил қилишда турлича ўқув режа ва дастурларига эга бўлишлари мақсадга мувофиқ.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларни ижодкорлик-ҳунарга йўналтириш услубияти, психологик, педагогик ва ташкилий шароитларни яратиш мақсадида махсус ўқув дастурлари ва илғор

педагогик технологиялар ишлаб чиқишда энг яхши педагог ва олимларнинг фаол иштироклари тавсия этилади.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет элларда умумий, ижодкорликий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган собит қадам фаолиятини амалга ошириш; академик лицейларнинг ўқувчиларига, биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъдод соҳибларига билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш, ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш зарур.

Мазкур вазифаларни ҳал қилишда маҳалла фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Чунки у ижтимоий тарбиянинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Маҳалланинг устунлиги шундаки, кўп йиллар давомида бирга яшаган кишилар ягона дўст оилага уюшганлар. Улар бир-бирларини, ҳар бир оила ва ҳар бир болани, уларнинг ота-оналарини ва имкониятларини яхши билишади. Маҳаллада анъанавий тарбиянинг шарқона услублари таркиб топган. Масалан, ҳашар усули билан ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиниб, оғир дақиқаларда бир-бирларига ёрдам беришади. Бу эса сўзсиз катта тарбиявий аҳамиятга эга ва аҳлоқийликни ривожлантиришга, жамиятнинг бошланғич негизи сифатида оилани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Таълим муассасалари негизида педагогик, ижодкорликий, ҳуқуқий, пси-хологик, маънавий ва маърифий билимлар берувчи «Ота-оналар ўқуви» фаолиятини ташкил этиш, бола тарбияси яхши йўлга куйилган оилаларни тегишли идоралар ҳамкорлигида ўрганиб, тажрибаларини оммалаштиришни йўлга куйиш муҳим аҳамиятга эга.

Дарсдан ва мактабдан ташқари ижодкорликий тарбияни амалга оширишда қуйидаги асосий тадбирларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

- ижодкорликий тарбия жараёнини ташкил этишнинг аниқ йўналишлари бўйича тадбирлар мажмуаси ва мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш;

- ижодкорликий тарбияни замон талаблари асосида ташкил этадиган педагог ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- ижодкорликий тарбия вазифаларни ҳал қилиш учун республиканинг барча илмий кучлари: Ўзбекистон Фанлар Академияси, олий ўқув юртлари, фан, тармоқ, давлат ва нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда илмий-педагог бўлимлар фаолиятини бирлаштириш зарур.

Дарсдан ва мактабдан ташқари ижодкорликий тарбия мезонини амалга оширишни даврий таҳлил қилиш режали, айрим илмий ёки педагогик жамоаларнинг таклифлари бўйича ўтказилиши ҳам мумкин. Лекин ҳар қандай вазиятда таҳлил қилишда ҳам илмий, ҳам амалиётчи ходимларнинг иштирок этиши шарт эканлигини унутмаслик керак. Даврий илмий таҳлил асосида тарбиявий ишларнинг вазифаларини белгилаш ва тузатишга даъват этилган бўлса, унинг кундалик ва доимий ташкилотлари қатори амалиётчи педагогларни ҳам кенг жалб қилиш лозим. Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг услубий ишиларига алоҳида эътибор бериш керак. Улар болалар ва ўсмирларни тарбиялаш билан шуғулланаётган ходимларнинг барча тоифаларини услубий ёрдам билан таъминлашлари, ушбу ишларнинг илғор тажрибаси асосида тўгараклар ва уюшмалар, мактаблар ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг дастурларини ишлаб чиқадилар ҳамда уларни такомиллаштирадилар.

Умумий ўрта таълим ва мактабдан ташқари таълим муассасалари янги педагогик тафаккур эгаси, муносиб шахс, ўз ишининг устаси бўлган ўқитувчи ва тўгарак раҳбарига муҳтож.

Шахс сифатида бундай педагог ходимларнинг ўзи ҳар томонлама ривожланган, билимдон, кенг кўламдаги умуммаданий ва ижодкорликкор маълумоти, кўникма ва малакасига ҳамда ўзлигини ривожлантириш қобилиятига эга бўлиши шарт.

## II-боб. 3-4 СИНФ МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ БЎЙИЧА ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖОДКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ шарт –шароитлари .

### 2.1. 3-4 СИНФ МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ БЎЙИЧА ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖОДКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Меҳнат тарбияси, меҳнатга муносабатни тарбиялаш мактабдаги ўкув ҳамда синфдан ташқари ишларнинг ўзаги, мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлашнинг асосий йўлидир. Ўқувчилар меҳнат руҳий ва амалий тайёрлаш мактабнинг асосий тарбиявий вазифаларидан биридир.

Мактабнинг турмуш билан алоқаси кундан-кунга мустахкамланиб бормокда, синфдан ташқари ишларнинг ўкувчилар ўзларининг мустакилликлари ва ташаббусларини намойиш эта оладиган, уларга жамият фойдаси учун ташкил этилган меҳнатнинг гўзаллиги ва қувончини, жамоанинг кучини ҳис этишларига ёрдам берадиган янги шакл ва усулларлари аниқланмоқда.

Ўқувчилариинг меҳнат фаолиятига психологик ва амалий тайёрлаш ўкувчилар ижтимоий фойдали меҳнатинннг ҳар хил турларида қатнашаётган вақтларда хилма-хил тарбиявий тадбирларни куллаш орқали амалга оширилиши керак.

Ўқувчилар билан олиб бориладиган синфдан ташқари иш мактабнинг бутун таълим - тарбиявий ишларининг ажралмас ҳисми бўлиб, у боланинг ҳар томонлама ривожлантириш, дарсларда эгаллаётган билимларини мустахкамлаш, чуқурлаштириш, амалда қўлланишгага ёрдам берувчи муҳим воситалардан биридир. Синфдан ташқари иш айни бир вақтда ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиради, меҳнат таълим ва тарбияси болаларда фан

техника, саънатнинг турли сохаларига қизиқишини ўстириш масалалариии ҳал этишга ёрдам беради.

Меҳнат таълими бўйича синфдан ташқари ишлар техник меҳнат дарсларининг давоми кўшимчасидир. Ўқув машғулотлари билимларга қизиқишини ўзсгиради, синфдам ташқарн иш дарсида билимларни кенгрок куллаш ҳамда чўқурлаштириш имконини беради. Шу билан бирга синфдан ташқари ишдарсда берилган материалларни айнан такрорламаслнги керак, у синфдаги ишдан ўзининг ўйин, қизиқарли характердалиги билан ажралиб туради. Синфдан ташқари иш ўкувчиларга ишнннг *ўзларига* кўпрок ёққан, *ўзларти* кўпрок қизиқтирган турини танлашлари учун имкон яратади. Фақат синфдан ташқари ишларда ўқувчиларнинг индивидуал ижодий қобилиятлари ёрқинроқ намоён бўлади, бу ерда улар исталган иш билан шуғулланишилари, куйилган мақсадга эришиш учун керак бўлгаи вақт вакучини сарфлашлари мумкии.

Синфдан ташқари ишнинг формалар кўпдир: Оммавий иш - кечалар, эрталиклар, конкурслар, экскурсиялар, кўргазмалар.

Мактабларда бошланғич синфларда сннфдан ташкари ишларни эрталиклар, кўргазмалар тайёрлашни уюштириш каби оммовий иш турларидан кенг фойдаланиб, консқурс ва викториналарга кам эътибор берилади. Оммавий ишнинг конкурс ва викториналар каби тури жуда қизиқарли ва айнан бир вақтда катта тарбиявий нмкониятларга эгадир. Чунки зеҳнли, тез жавоб топа билиш, ўз фикри, билим вакўникмаларини сафарбар эта билиш худди мана шу иш турларида талаб қилинади.

Мактабнинг тарбиявий ишларида оммовий ишлар катта роль ўйнайди. Кечаларга, конкурсларга, викториналарга тайёргарлик ўқувчиларни хар томонлама харакат килишга матнларни ёдлаш, . костюмлар тайёрлаш, жихозлаш, безаш ишларини амалга оширишга мажбур килади. Кечалар мавзулари шундаЙ танланиш керакки, у ўқувчиларда хар томонлама қизиқиш уйготсин, уларни уйлашга, ихтиро кишига мажбур этсин ва фақат мавжуд билим ва кўникмалар билан

чекланиб колмай, кеча мавзусининг дастурига мувофик янгиликларни хам узлаштира борсин. Айникса кечалар икки ёндош синфлар кушилганда жуда қизикарли ва жонли утади. Кеча мавзуси асосан макол ва маталлардан олинади, аммо кеча мавзусини "Меҳнат ва меҳнат кишиларини шарафлайдиган" меҳнатга алокадор булиши хам мумкин.

Меҳнатга багишланган кечаларни хар бир ўқув чораги ва йил охирида утказиш максадга мувофик булар эди. Кеча "Мактаб меҳнат дарсларида нималарни урганиб олдингиз" мавзуси асосида утказиш мумкии. Кечанинг максади меҳнат дарсларида олинган кўникма ва малакаларнн мустахкамлаш, меҳнатга мухаббат сингдиришдир.

Турли ишларни бажариш, асбобларни тугри ишлатиш, дарсларда фойдаланиладиган материаллар ва асбоблар буйича билимларни текширишга багшиланган мусобакалар синфда ва синфлараро утказилиши мумкин. Иш турларини, тайёрлаш технологиясини айнан узини колдириб узгартириш керак. Ҳамма топширикларни бажарган ўқувчиларни махсус нишон билан такдирлаш мумкин.Тўгарак ишларида кўргазмалар, мавзули альбомлар, кўргазмали қуролларни ташкил этиш ва бажариш муҳим урин эгаллайди.

Кўргазмапар мавзуси хилма-хил бўлиши мумкин, масалан синфда меҳнат дарсларида бажарилган ишлар кўргазмаси, уйда мустакиш ишлаган ёки тўгаракларда ишланган ишлар кўргазмаси ва шу кабнлар. Кўргазмани томошабинлар кандай идрок этиишари, кўргазмани кандай ташкил этилганлиги, кандай безатилганлигини, намуналарнинг жойлаштиришига богликдир. Кўргазма эстетик дидни тарбиялайди.

